

Мен уйланмоқчи бўлган қиз ҳали сатрланмаган, яъни рўмол ўрамайди.

14:58 / 26.04.2016 3389

Мен уйланмоқчи бўлган қиз ҳали сатрланмаган, яъни рўмол ўрамайди. Мен унга балоғатга етган ҳар бир муслима учун исломий кийинишнинг фарз эканлигини тушунтириб, бу ишни тўйдан олдин қилиш кераклигини таклиф қилдим. Қиз эса «мен ҳали тайёр эмасман, тўйдан бир йилдан кейин ўранаман» деди. Бундай пайтда шариат бўйича қандай йўл тутган маъқул?

Савол эгаси бўлган йигитга ташаккур айтамыз. Мана шу нарсани тушуниб, ўзлари уйланмоқчи бўлган махтубалари, келинликка номзод шахсга буни тушунтириб демак балоғатга етган муслима қизларга фарз бўлган ҳукмларни баён қилиб беришлари жуда ҳам яхши. Лекин мухтарама қизимизнинг айтган гаплари ниҳоятда нотўғри гап. Бу нотўғрилиқ зийнатлаб олинган ўзининг дангасалагини, нотўғри хатти-ҳаракатини сипоришлаш учун тўқилган сафсатани тақдим қилиш билан бирга. “Мен ҳали тайёр эмасман” мана шу гапни биз жуда кўп учратамыз. Мана бу ерда демак сатрланиш муслималар кийиниши лозим бўлганидек кийинишни таклифига “мен ҳали тайёр эмасман” дейди. Яна бошқа бир таклифни қилсангиз ҳам “мен ҳали тайёр эмасман” дейиш одат тусига кириб қолган. “Йўқ қилмайман, буни кераги йўқ” ва яна шунга ўхшаган қўпол гаплар гапирилмай, юмшоқ гап гапирилади. Лекин шу юмшоқ гапни маданий гапни орқасидай ҳалигидай бош тортиш бор. “Мен ҳали тайёр эмасман”, қачон тайёр бўласан, “мен ҳали тайёр эмасман” дейишлик, узр эмас. Аллоҳ таоло ўзининг ҳукмларини жорий бўлиши учун чегара қилиб қўйган. У чегара эркак бўлсин аёл зоти бўлсин, балоғатга етганлик онидан бошланади. Аллоҳ ҳукмлари бандадан бориб “сен тайёрмисан” деб сўраш билан бошланмайди. Демак ўша шаръий чегарада турган лозим бўлади, тайёргарлик кўриш ёки кўрмаслик одамнинг ўзига ихтиёри бериб қўйилган нарса эмас. Шунинг учун “мен ҳали тайёр эмасман”, “руҳан тайёр эмасман”, “фалончи тарафидан тайёр эмасман” деган гаплар ҳаммаси қуруқ баҳонадан бошқа нарса эмас. Энди бундай пайтда шариат бўйича қандай йўл тутган маъқул. Шариат бўйича қиз ўша ўзига фарз бўлган нарсани бажариши керак. Энди йигит шу кўнмай турган шаръий ишни қилмайман, тўйдан кейин бир йил ўтиб қиламан деяётган қизга уйлансанми, уйланмасанми деган савол бераётган бўлса, бу саволни демак

жавоби ўзингизнинг кўнглизга қаранг дейиш билан бўлади. Албатта ўша гапингизни қилиб, қиз шариатнинг талабини амалга оширганида бу саволга ўрин ҳам йўқ эди. Энди ўша бўлмаганлиги учун сўрамоқдасиз, ўзингиз яна яхшилаб вазиятни ўрганиб кўринг. Чунки бир йилдан кейин қилишларида ҳам бир яхшиликни аломати бор. Эҳтимол ўша тўйгача ҳам мана шу нарсани қилиб юборишларини мумкин. Шаратнинг йўлига юришиб, ўша битта сиз айтаётган нарсани бажо қилишлари мумкин бўлади. Бир йил ўтмасдан туриб ҳам қилишлари мумкин бўлади. Шунини айтмади, қилмади, мен кетдим деб ташлаш билан демак мумкин у ҳам. Лекин бир одамни ҳидоятга сабаб бўлиб қолишга савоби ҳам борлигини унутмаслик керак. Хусусан, бизнинг вазиятмизда шошилмасдан, тушунтириб, айтиб, такрорлашдан ҳеч эринмаслик керак. Фақат бир-биримизга яхшиликни, аҳилликни, савобни, шариатнинг кўрсатмаларини мулойимлик билан ўргатиб боришни йўлга қўйишимиз керак бўлади. Ўйлаймизки, мазкура қизимиз ҳам бу гапларни тушуниб етиб, тўғри ҳаракатда бўладилар. Агар икковларингиз оила қуриб, бахтли-саодатли бўлсаларингиз ҳаммамиз хурсанд бўлар эдик, Аллоҳ субҳану ва таоло Ўзи инсофу-тавфиқ берсин, ниятларингизни ҳам яхшисини ато этган бўлсин.